

«Абрийнак,»дан ясалган нисба. У — Марвдаги кишлоклардан бири. Одамлар уни «Ибрина» деб ҳам атайдилар. Куйидаги бир жамоа олимлар шу кишлокдан етишиб чикканлар:

2.□□□ Али ал-Абрийнакий (440-523 х.й.)

(Абулхасан) Али ибн Мухаммад ад-Дихон ал- Абрийнакий — ёкимтой, кўп нарсаларни ёд олган солих факих бўлган. У пархезкор, такводор, хушсухбат ва илм ахлидан бўлган. У уламолардан, ундан эса уламолар хадис ривоят қилганлар.

Таваллуди тахм. 440 х.й.да ёки ундан илгарирок содир бўлган. 523 х.й.да Каринин (Марв

водийсидаги кичкина шаҳарча)да вафот этган (2: 1/93; 11:1/73).

3.□□□ Ал-Хасан ал- Абрийнакий

(Абу Али) ал-Хасан ибн Ахмад ат-Тоъий ал- Абрийнакий — араб тили, грамматикаси ва бадий нафосатини яхши билгувчи олим бўлган (11: 1/73).

4.□□□ Ал-Хасийн ал-Марвазий

(Абу Абдуррахмон) ал- Хасийн ибн ал-Мусанно ал-Абрийнакий ал- Марвазий. У уламолардан, уламолар эса ундан хадис тинглаганлар (11: 1/73).